

Шаҳватни назорат қилишнинг чоралари



14:22 640

Шаҳватни назорат қилиш ва зинодан сақланишнинг яхши чораси шуки, банда асло бир ўзи қолмасин. Шайтон ҳар қандай инсонни ёлғиз тополмай қийналади. Ёлғиз кўрса, бутун лашкарлари билан бостириб келади. Айниқса, ёш, навқирон йигит бекор қолса, дарров шайтон унинг хаёлини маҳбубаси билан боғлаб қўяди. Шунинг учун ўқиганда ҳам бошқаларнинг назари тушиб турадиган жойда ўқисин. Ёпиқ хоналарда ёлғиз ўтириб қолса, шайтон васваса қилишга имкон туғилади. Бирон-бир гўзалнинг чеҳрасини хаёлига келтириб қўяди. Бир шоир айтганидек:

«Сен менинг олдимда бўлсанг, худди бошқа ҳеч ким йўқдек бўлади».

Хуллас, ҳар бир банда, айниқса, мўмин-мусулмонман деган одам ёлғиз ўзи қолишдан сақлансин. Кимда-ким шу чорага амал

қилса, унга зинодан сақланиш осон бўлади, иншааллоҳ.

Шаҳватни назорат қилиш ва зинодан сақланишнинг яна бир чораси беҳуда суҳбатлар ва ҳирсни қўзғатувчи ҳазил-ҳузуллардан сақланишдир. Баъзи ёшлар учрашадилар. Кейин бири бошқасига: «Чўмилиб чиққан кўринасиз?» дея савол ташлайди. Шу билан бемаъни суҳбат эшиги очилиб кетади. Жуда кўп ёшлар кўча-кўйда ўзларини сақлайдилар. Лекин уйларида, қариндошлариникида бемалол, очиқ-сочиқ юрадилар, бемаъни ҳазил-ҳузуллардан, ойнаи жаҳон кўрсатувларидан сақланмайдилар. Ҳолбуки,

шариатимиз талабига кўра, келинойи, қайинсингил, тоғанинг хотини, холавачча, тоғавачча, аммавачча, амакивачча қизлар билан масофа сақлаш шарт. Улар номаҳрамлардир. Улар билан ҳазил-ҳузул қилиш, суҳбатлашиш, ҳатто телефонда гаплашиш мумкин эмас. (Баъзи истисно ҳолатларда мажбурият юзасидан қисқача сўзлашиш мумкин фақат.) Чунки, номаҳрам қариндошлар билан бемалол, очиқ муомалада бўлиш ҳам эркакнинг ичида ҳирс уйғотади.

Шаҳватни назорат қилиш ва зинодан сақланишнинг энг яхши яна бир чораси, банда тез-тез қабристонга бориб туришидир. Чунки, дунёнинг чиройли манзаралари инсонни ўлимни эслашдан чалғитади, ўзининг охир-оқибат борар жойини унуттириб қўяди. Ўлимни ёдга олишнинг осон йўли эса, майит ортидан қабристонга боришдир. Ўтириб қабрлар ҳақида фикр юритган киши қанча-қанча гўзалларнинг тупроғи нопок бўлаётганини, дунёнинг ташвишларига кўмилиб юрганини, бир кунмас-бир кун албатта шу ерга келишини унутиб қўяётганини англаса, ҳуши жойига келади. Шаҳват олови сўнади. Демак, биз қабристонга боришни одат қилишимиз ва лаззатларни парчаловчи ўлимни кўп-кўп эслашларимиз лозим. Токи, гуноҳлардан, хусусан, зинодан сақланиш осон бўлсин.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.